



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Илхом Ачилович Усманов Қурилиш соҳасида ўз-ўзини тартибга солишнинг жаҳон тажрибасини қўллаш	76
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Мухим стратегик вазифаларни ҳал этишда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни	80
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида инновацияларни жорий этиш ҳолати ва истиқболлари	85
Насиба Раҳматуллаевна Эргашева Аутсорсинг хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Зарина Улугбековна Ташкенбаева Важность создания положительного имиджа туристических организаций на рынке	96
Бехзод Бахтиёр ўғли Бекназаров Маданий мерос объектларига ташриф буюрувчилар ҳолати ва таҳлили	100
Adxam Anvarovich Karshiyev Turizm sohasini strategik rivojlantirishning ahamiyati	106
Zokirjon Erkinovich Mamarasulov, Izzatillo Xikmatilloevich Shukurov Turistlar marshrutlari uchun ovqatlanish ratsionini takomillashtirish	110
Бекназар Абдуҳалилович Султонов Самарқанд вилоятида гастрономик туристлар хулқ-атвори таҳлили	115
Азиз Қаҳрамонович Тўхтамишов Туризм соҳасида кластерлар ривожланишининг омиллари ва йўналишлари	119
Хонкул Қаҳхарович Самаров Миллий маданий мерос объектларидан фойдаланиб туризмни ривожлантириш истиқболлари	124
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Gulnora Mardiyevna Shadiyeva The concept of "family economy", its development	129
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Шоира Азимовна Мусаева, Дилфуза Илхомовна Усмонова “Sam antep gilam” МЧЖида маркетингни бошқариш элементларини янада ривожлантириш йўллари	134
Абдуҳолик Эгамович Тангиров Бизнес-моделларини ишлаб чиқиш	140
Наврўзжон Тўхтамишович Маҳкамов Корхоналарни барқарор ривожлантиришда сифат менежменти тизимининг роли	145

<p>А.Тухтамишов</p> <p>Факторы и направления кластерного развития в сфере туризма</p>	<p>A.Tukhtamishov</p> <p>Factors and directions of cluster development in the field of tourism</p>
<p>Аннотация: В статье изучены факторы и условия развития туристских кластеров в нашей стране, возможности и направления социально-экономического эффекта от развития туристских кластеров, уровни продвижения кластерного подхода в сфере туризма.</p> <p>Ключевые слова: туризм, туристический кластер, индустрия туризма, факторы, технологическая база, экономическая эффективность, стимулы.</p>	<p>Abstract: The article studies the factors and conditions for the development of tourist clusters in our country, the possibilities and directions of the socio-economic effect from the development of tourist clusters, the levels of promotion of the cluster approach in the field of tourism.</p> <p>Keywords: tourism, tourism cluster, tourism industry, factors, technological base, economic efficiency, incentives.</p>

Хонкул Қаҳҳарович Самаров – Регистон ансамбли директори, СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

<p>Аннотация: мақолада миллий маданий мерос объектларидан фойдаланиш туризмни ривожлантириш истиқболлари қараб чиқилган. Бунда халқаро туристларга халқимизнинг миллий маданий мерос объектларини, уларнинг аҳамиятли жиҳатини, маданий мерос объектларининг мазмуни жиҳатидан таснифланишини (моддий ва номоддий объектлар) ҳам қараб чиқилган. Булардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.</p> <p>Калит сўзлар: турист, туризм, миллий мерос, маданий мерос, моддий маданий мерос, номоддий маданий мерос, давлат аҳамиятидаги маданий мерос, маҳаллий аҳамиятдаги маданий мерос.</p>

Кириш. Мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 30 августда “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу объектлар мазмуни ва унга муносабатнинг ўзгариши билан шу ўтган йигирма йилдан ортиқ даврда унга бир қанча ўзгартириш ва тузатишлар киритилиб келинмоқда. Айниқса 2018 йил 19 декабрда қабул қилинган Давлатимиз раҳбарининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ушбу объектлардан туризм соҳасида фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бугунги кунга келиб, ушбу бойликлардан янада самарали фойдаланиш вақти келганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелда “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармон билан ушбу субъект бирлаштирилиб йирик вазирлик ташкил қилинди ва уларни бошқариш оптималлаштирилиб, битта қўлга топширилди. Ҳозирги ҳолатда айрим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Буларнинг қанчалик мақсадга мувофиқлигини асослаш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади. Айнан шу масала ушбу ишнинг ҳам долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Туризмнинг турли жиҳатлари хорижлик ва мамлакатимиз олимлари томонидан мунтазам равишда ўрганилиб келинмоқда. Туризм таълими соҳасида самарали ижод қилаётган ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан: Н.Т.Тухлиев, А.Н.Норчаев, М.Қ.Пардаев, О.М.Пардаева, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, Д.Х.Асланова, Б.Х.Тўраев, К.Х.Абдурахмонов, У. Матякубов, О.Х.Ҳамидов, М.Т.Алиева,

Б.Ш.Сафаров, Р.Ҳайитбоев, М.Р.Усмонов, Д.К.Усманова, Ф.К.Камилова кабилар¹ мазкур соҳа бўйича дарслик, ўқув қўлланмалар ва монографиялар тайёрлаб келмоқдалар. Аммо ушбу асарларда айнан маданий мерос объектларидан фойдаланиб туризмни ривожлантириш масаласи кам ўрганилган. Буни инобатга олиб ушбу мақола тайёрланди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотларни амалга оширишда илмий экспедиция, аналитик таҳлил, статистик таҳлил, визуал кузатув, ижтимоий сўров, маркетинг тадқиқотларидаги умумназарий усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ҳозирги кунда қандай объектлар маданий мерос объектларига киради, уларнинг қандай турлари мавжудлиги муҳим ҳисобланади. Ушбу заруратдан келиб чиқиб, мазкур мақолада **Маданий мерос объектлари нималардан иборат?** деган саволга жавоб беришни мақсад қилиб олдик.

Маълумки, маданий мерос объектларига ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар, тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар кабилар киради. Бу ҳақда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган. Жамиятимиз тараққиётида объектив заруриятдан ва маданий мероснинг кундан-кунга аҳамиятининг ошиб бораётганлигидан келиб чиқиб, ушбу қонунга ҳозирги кунгача, юқорида таъкидланганидек, бир қанча ўзгартиришлар киритилди². Мазкур Қонун мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Ушбу Қонунда эътироф этилишича **маданий мерос объектлари** моддий ва номоддий объектларга бўлинади. Бу қуйидаги расмда ўз аксини топган (1-расм).



1-расм. Маданий мерос объектларининг аҳамияти жиҳатидан таснифи

Расмдан кўриниб турибдики **моддий маданий мерос** объектлари ўз навбатида икки гуруҳга: республика ва маҳаллий аҳамиятидаги тоифаларга бўлинади. Буларнинг ҳар бирини аниқ билиш туризм учун муҳим ҳисобланади. Чунки, булар бутун мамлакат ва маҳаллий аҳамиятга эгаллигини яққол кўрсатиб туради. Мамлакат аҳолисининг тарихи ва маданияти учун алоҳида аҳамиятга молик тарихий, илмий, меъморий, бадиий ёки мемориал қимматга эга бўлган моддий маданий мерос объектлари **республика аҳамиятидаги объектларга** киради. Вилоят, туман, шаҳар тарихи ва маданияти учун алоҳида аҳамиятга молик

¹ Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в Республике Узбекистана. - Т: ГНИ «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006. – 368 с. Абдурахманов К.Х. Менежмент туризма: учебное пособие. – Т.: Флиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” в г. Ташкенте, 2013. – 248 б., Норчаев.А.Н. “Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири”. Иқтисод фан. номзоди дис. афтореферати.-Т.: ТДИУ, 2004 й. - 25 б., Тураев Б.Х. Теоретико – методологические основы развития туризма. -Т.: изд. «Фан», 2008. —166 с., Пардаев М.К., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Маърузалар курси. – Самарқанд, СамИСИ-2006., Тухлиев И.С., Р.Ҳайитбоев ва бошқалар. Туризм асослари: Ўқувқўлланма–Самарқанд, СамИСИ, 2010- 247 б.

²Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 180-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2005 й., 37-38-сон, 277-модда; 2009 й., 41-сон, 440-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон

тарихий, илмий, меъморий, бадиий ва мемориал қимматга эга бўлган моддий маданий мерос объектлари **маҳаллий аҳамиятдаги объектларга** киради.

Туризмни ривожлантиришда **номоддий маданий мерос объектларидан** ҳам кенг фойдаланилади. Бундай объектлар таркибига тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар киради.

Маданий мерос объектлари мазмуни жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга бўлинади (2-расм).



2-расм. Маданий мерос объектларининг мазмуни жиҳатидан таснифланиши

Расмдан кўриниб турибдики, мамлакатимизда жойлашган турли ансамбллар, ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойлар маълум маънода бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиши билан бирга бир-биридан фарқ ҳам қилади. Буларнинг бир-биридан фарқини ажратиш нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан, туризмда фойдаланишда ҳам муҳим ҳисобланади.

Ансамбл деганда, тарихан таркиб топган ҳудудда аниқ кўзга ташланадиган, атроф манзараси билан умумийлиги ёки алоқадорлиги тарихий, археологик, меъморий, эстетик ёки ижтимоий-маданий қимматга эга бўлган, ижтимоий, маъмурий, диний, илмий, ўқув-таълим, истеҳком, сарой, тураржой, савдо, ишлаб чиқариш ва бошқа аҳамиятга молик ҳамда рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати, меъморчилик асарлари билан боғлиқликда алоҳида ёки ўзаро биргаликда турган ёдгорликлар, иморатлар ва иншоотлар гуруҳлари, шунингдек тарихий тархларнинг ҳамда манзилгоҳлар иморатларининг қолдиқлари, ландшафт архитектураси ва боғ-роғ санъати асарлари (боғлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар) тушунилади¹.

Маданий мерос объектлари таркибига тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган **ёдгорликлар** ҳам киради. Ушбу ёдгорликлар ўз ичига айрим иморатлар, бинолар ва иншоотлар, улар билан боғлиқ бўлган рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати асарларини қамраб олади. Шунингдек, ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотларнинг тарихан таркиб топган ҳудудлари ҳамда мемориал уйлар, квартиралар, қабристонлар, мақбаралар ва айрим қабрлар, монументал санъат асарлари, фан ва техника (шу жумладан ҳарбий техника) объектлари антропология, этнография, нумизматика, эпиграфика, картография, фотография материаллари, кинофильмлар, аудио, видеоёзувлар ҳам ёдгорликлар таркибида ўз ифодасини топади. Булардан ташқари жисмлардаги ёзувлар, адабиёт ва санъат асарлари, архив, кўлёзма ва чизма ҳужжатлар, қадимги кўлёзма китоблар, ҳарф териш усулида чиқарилган дастлабки китоблар, нодир ва ноёб нашрлар, ноталар, муқаддас буюмлар ва мемориал хусусиятга эга бўлган ашёлар, тош ҳайкаллар, қояга ўйиб солинган тасвирлар, археология ёдгорликлари ҳам ёдгорликлар таркибига киради.

Туризм учун муҳим бўлган маданий мерос объектлари таркибига **диққатга сазовор**

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун. 3-моддаси.

жойлар номи билан аталадиган объектлар ҳам киради. Бундай объектлар инсон ва табиат ижодининг муштарак маҳсули, шунингдек тарихий, археологик, шаҳарсозлик, эстетик, этнологик ёки антропологик қимматга эга бўлган ҳудудларни қамраб олади. Булар таркибига яна халқ хунармандчилиги масканлари, тарихий манзилгоҳлар ёки шаҳарсозлик тарҳи марказлари ва тарихий (шу жумладан ҳарбий) воқеалар, ёдгорликлар, атоқли тарихий шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган иморатлар, хотира жойлари, табиий ландшафтлар ҳам киради. Булардан ташқари диққатга сазовор жойлар таркибига кўҳна шаҳарлар, шахристонлар, манзилгоҳлар, қароргоҳлар иморатларининг маданий қатламлари, қолдиқлари, маросимлар ўтказиладиган жойлар ҳам кириши қайд этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 8208 та кўчмас моддий маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, улардан 4748 таси археологик ёдгорликлар, 2250 таси архитектура ёдгорликлари, 678 таси монументал санъат ёдгорликлари ва 532 таси диққатга сазовор жойлардан иборат. Агар уни вилоятлар кесимида қарайдиган бўлсак, кўчмас моддий маданий мерос объектларининг катта қисми Самарқандга тўғри келади. Ушбу вилоят ҳудудида 1607 та объект рўйхатга олинган, Қашқадарё вилоятида 1468 та, Бухоро вилоятида 829 та, Тошкент вилоятида 828 та маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Кейинги даврларда, аниқроғи XX асрда ташкил бўлган Сирдарё вилоятида энг кам маданий мерос объектлари қайд этилган. Мазкур вилоятда уларнинг сони 78 тани ташкил қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Тошкент шаҳрида 354 та объект мавжуд бўлиб, уларнинг орасидан нафақат X—XIX асрларда қурилганлар, балки XX — XXI асрга тааллуқли бинолар ва бошқа маданий мерос объектлари ҳам ўрин олган. Шу жумладан, «Чорсу» бозори, Боткина қабристонигаги мемориал ёдгорликлар, таниқли шахсларнинг ёдгорликлари, шунингдек, 2017—2018 йилларда барпо қилинган «Сузук ота» комплекси, Шоирлар боғи ва бошқа миллий қадриятларимизга асосланган ҳолда қурилган бино ва иншоотлар.

Бугунги ташкил қилинган вазирликка зарурият туғилганда, объектнинг номига, даврига ва манзилига аниқлик киритиш, асосли зарурат мавжуд бўлганда уларнинг рўйхатини ўзгартириш бўйича таклифлар тақдим этиш ҳуқуқи берилди. Аммо миллий рўйхатга киритилган объектларга тарихий, бадиий ёки бошқа маданий аҳамияти сабабли гаров ёки ипотека қўлланилиши мумкин эмас. Агар ушбу моддий маданий мерос объектлари шахсий мулк ҳисобланадиган бўлса, унда гаровга беришга тақиқ йўқ.

Бугунги кунда Самарқанд вилояти бўйича давлат кадастрига киритилган моддий маданий мерос объектларининг янгиланган рўйхати Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 28 июндаги 409-сон буйруғига асосан тасдиқланган. Бунга кўра Самарқанд шаҳрида жами 482 та моддий маданий мерос объектлари жойлашган. Булардан 14 таси Археология ёдгорликлари, 410 таси Архитектура ёдгорликлари, 37 таси Монументал санъат ёдгорликлари, 23 таси диққатга сазовор жойлардир. Бундай ноёб маданий мерос ёдгорликлари Булунғур туманида 26 та, Жомбой туманида 45 та, Иштихон туманида 71 та, Каттақўрғон шаҳрида 24 та, Каттақўрғон туманида 44 та, Қўшработ туманида 57 та, Нарпай туманида 51 та, Нуробод туманида 54 та, Оқдарё туманида 113 та, Пастдарғом туманида 549 та, Пайарик туманида 97 та, Пахтачи туманида 42 та, Самарқанд туманида 140 та, Тайлоқ туманида 71 та, Ургут туманида 145 та мавжуд.

Бундан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятининг барча ҳудудларида тарихий ёдгорликлар туризмни ташкил қилиш учун етарли даражада. Аммо уларнинг кўпчилиги ҳамон туристик маршрутларга киритилган эмас. Бундан ҳам кўриниб турибдики, ҳали мазкур масалада қилинадиган ишлар жуда кўп.

Хулоса ва таклифлар. Миллий маданий мерос объектларидан фойдаланиб туризмни ривожлантириш истиқболларини тадқиқ қилиб бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди. Буларга:

Биринчидан, маданий мерос объектлари моддий ва номоддий объектларга бўлинишидан келиб чиқиб, уларни республика аҳамиятидаги объектларга ва маҳаллий аҳамиятдаги объектларга бўлиниши асосланди. Шунингдек, туризмни ривожлантиришда номоддий маданий мерос объектларидан ҳам кенг фойдаланиш учун уларнинг турлари ҳам келтирилди.

Иккинчидан, мамлакатимизда мавжуд миллий маданий мерос объектлари мазмуни бўйича таснифланиб, улар учта гуруҳга бўлиши тавсия қилинди. Буларга турли ансамбллар, маданий ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойлар кириши аниқланди. Буларнинг маълум маънода бир-бири билан ўзаро боғлиқлари ва бир-биридан фарқли жиҳатлари ҳам нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам асослаб берилди. Бу тасниф туризмда фойдаланишда ҳам муҳим ҳисобланиши ҳам қайд этилган.

Учинчидан, бугунги кунда Самарқанд вилояти бўйича давлат кадастрига киритилган моддий маданий мерос объектларининг янгиланган рўйхати Самарқанд шаҳри ва ҳудудлар бўйича аниқланиб, уларнинг рўйхати тузилди.

Хулоса қилиб айтганда, туризмни ривожлантириш учун мамлакатимизда, хусусан Самарқанд вилоятида ҳам жуда катта имкониятлар мавжуд. Уларни ишга солиш ва самарали фойдаланиш учун олимларимиз томонидан ҳали кўп илмий тадқиқотлар олиб бориш лозим. Буларнинг ҳаммасини самарали амалга ошириш учун мазкур соҳага сафарбарликни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахманов К.Х. Менежмент туризма: учебное пособие. – Т.: Флиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” в г. Ташкенте, 2013. – 248 б.,
2. Норчаев А.Н. “Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири”. Иқтисод фан. номзоди дис. афтореферати.-Т.: ТДИУ, 2004 й. - 25 б.,
3. Тураев Б.Х. Теоретико – методологические основы развития туризма. -Т.: изд. «Фан», 2008. —166 с.,
4. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Маърузалар курси. – Самарқанд, СамИСИ-2006.,
5. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 148 бет.
- 6.Пардаев М.Қ., Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.
7. Тухлиев И.С., Р.Ҳайитбоев бошқалар. Туризм асослари: Ўқув қўлланма– Самарқанд, СамИСИ, 2010- 247 б.
- 8.Тухлиев Н.Т., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в Республике Узбекистана. - Т: ГНИ «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006. – 368 с.
9. Ҳайитбоев Р., Ҳайдаров С., Абдухамидов С., ва бошқ.. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш, Ўқув қўлланма. «Илм нур файз» МЧЖ, Самарқанд, СамИСИ, 2016.-175 б

Х.Самаров	Kh.Samarov
<p style="text-align: center;">Перспективы развития туризма с использованием объектов национального культурного наследия</p> <p>Аннотация: в статье рассматриваются перспективы развития туризма с использованием объектов национального культурного наследия. При этом для иностранных туристов были рассмотрены национальные объекты культурного наследия нашего народа, их значение, классификация объектов культурного наследия по содержанию (материальные и нематериальные объекты). Разработаны рекомендации по их эффективному использованию.</p> <p>Ключевые слова: турист, туризм, национальное наследие, культурное наследие, материальное культурное наследие, нематериальное культурное наследие, культурное наследие государственного значения, культурное наследие местного значения.</p>	<p style="text-align: center;">Prospects of tourism development using national cultural heritage objects</p> <p>Abstract: In this article, ways of developing tourism has been discussed by using national cultural heritage objects. Displaying the national cultural destinations, their importance in accordance with the meanings of them (mental and physical objects) are discussed. And instructions on how to use them in a correct ways are also mentioned.</p> <p>Keywords: tourist, tourism, national heritage, cultural heritage, physical cultural heritage, nonphysical cultural heritage, state cultural heritage, native cultural heritage.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023